

Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта таълим вазирлиги

Тошкент давлат шарқшунослик институти

Хорижий шарқ мамлакатлар адабиёти кафедраси

Мақола

Мавзу: Дунёни тинглаган қалб

Тузувчилар: ф.ф.н., доц. Адхамбек Алимбеков.

Тошкент – 2018

Дунёни тинглаган қалб

Шайхзода деганда кўз олдимизга адабиётимизнинг улкан чинори келади. Бу чўнг адабий чинорнинг бугунда яшнаб туришининг сабаби, чинорнинг илдизлари Шайхзода тафаккуридан озиқланиб, чақмоқдек бадиий топилмаларга тўйинганидир. Адибнинг ихчам адабий портретини яратишга ҳаракат қилиб шоир ижодини такрор мутолаа қиларканман, Шайхзоданинг нақадар кўлами кенг ижодкор бўлганига яна бир бор амин бўлдим. У кишининг асарларини ўқир экансиз етмиш икки томирида адабиёт қони оқаётган ижодкорни ҳис қиласиз. Шоир ижодида замонасозлик руҳидаги шеърлар борлиги табиий, аммо ижодкорлар мероси уларнинг шоҳ сатрлари билан қадрланади. Шайхзоданинг фалсафий руҳдаги, фикрлар тигиз, қофиялар жарангдор, ўзига хос оҳангдаги шеърлари ўқирманни шоирнинг поэтик оламига олиб кириб кетади ва бу оламда сиз зинама- зина кашфиётларга дуч келаверасиз. Поэтик санъат, бадиий топилмалар сизни мафтун қилаверади. Шайхзода шеърятигигина хос оҳанг қулоғингиз остида жаранглаб, бадиий санъатларла безанган сатрлар бир гўзал қиздай кўз олдингиздан ўтаверади. Хўш, Шахзода ўзбек шериятига нима берди?

Биринчидан. Шайхзода шеъряти интеллекттуал – ақл ва туйғу уйғунлашган, мантиққа суянган, руҳий шиддат, юқори пафосли шеърят. “Мен яшамоқ истайман, бир рақамли уч сонда” каби. Қуюқ фикр, бонгли оҳанг қалбингизни ром этади. Чунки М. Шайхзода ҳаётда кўрган ситамларига қарама –қарши ҳаётни севиб яшади ва буни сатрларига сингдирди. Шу билан унга азоб берганлардан устунлигини кўрсата олди. Шу жиҳатидан Шайхзодани “Мен ёнмасам, сен ёнмасанг насил чиқар қоронғилиқ ойдинлиға” мисраларини ёзган ва шунга амал қилган жаҳоншумул шоир - Нозим Ҳикматга қиёслаш мумкин. Шайхзоданинг фалсафий, интеллекттуал шеъряти фикрлар қуюқлиги билангина эмас, ташбеҳларга бойлиги билан ҳам ажралиб туради.

“Ернинг юрак тепишидан бўлсам хабардор!..”, “Тўлқинларда кўтардим овоз” деган шоир баҳор ёмғирини “Тўё кўкка чиқиб денгизлар, Сузилади улуғ ғалвирдан” дея тасвирласа, “Сойга тушиб чўмилган қиздай, Ялтирайди чинорнинг сочи” дея набототни жонлантиради. “Кўк юзига булут сочилган, Таралмаган чигал соч каби”, “У қирларда эркин шаббода, от ёлининг торларин чертар”, “Бу қумларнинг устида босилган муҳр каби, одамларнинг оёғидан нақшлар”. Шоир балиқчи қайиғини “Сув устида хол каби” кўради. “Кундузлар тунларнинг сочин тарамай, Ўполмас тонгларнинг пуштиранг лабин” нақадар поэтик топилма. Симёғочда ўтирган қалдирғочлар: “Тор устида қатор ўтирган, Нотадаги белгилар каби”, сиёҳдон- “Ухламай-ухламай ўхшабсан тунга”, “Ҳар қатра – кўз билан тун омехтаси”, “Фонтан” шеъридаги ўхшатиш нақадар гўзал: “Чашмайихандон, олмос гулдаста”. Шайхзода гўзал интим сатрлар ҳам чизган. “Кечир, мени, “майли!” де!” шеъридаги қуйидаги сатрлар бунинг яхши мисоли: “Балки мен севгининг жазавасида, Кўзларинг имосин еча олмабман. Гилосранг лабларинг жозибасидан, Тириклик шаробин ича олмабман”.

Шайхзода янги сўз қўллашдан чўчимайди. У товушларнинг кичик, улуғи, ҳиди, ранги, ширин- аччиғи, юмшоқ, қаттиғи борлигини ҳис қилган шоир. Шунинг учун шеърларида ҳар бир товушга эътибор қилади. Баҳо на?, ғайратмандлик, ёношар, бўнак, бўктарги, пахсазонлар, божгир, қасидавор, дostonвор, пўлатвор, паҳлавонворий, қадамдош, дунёдош сўзлари Шайхзода сатрларида янгича оҳанг касб этади.

Унинг халқона ҳикматларга тўлиқ айрим мисраларининг атамага айланиб кетганининг сабаби ҳам шунда. “Умрлар бўладики, тиригида ўликдир, Ўлимлар бўладики, Ўлган одам тирикдир”. “Ўтнинг хосияти ёндириш, ёқиш, Сувнинг хосияти шилдираш оқиш”, “Ном номусга эгадир”, “Истаксиз қалб саҳронинг тоши, Умид қалбнинг содиқ йўлдоши”, “Баъзан сукут баландпарвоз ваъдадан афзал”, “Умр мисли –қордир, замон- офтоб”,

Севгининг зафари никоҳ тўйлари., “Янглиш йиллар ҳисобланмас умрга”, “Йилларнинг саломин йилларга элтиб”, “Шоир қалби жаҳонни тинглар”, “Шеър- чин гўзаллик синглиси экан”, “Рассом ел суратин сола олмайди”, “Ёмонлик кўмилар, яхшилик яшар”. Инсон -“Бўсадан зурриёт ясайдиган у”, “Тоҳо йиғи дилга таржимон”, “Наср –оғир қадам, назм – чопағон” , “Оҳ, китоблар, китоблар мангу ишчилар”, “Пахтанинг ипларидир дўстлик томири” мисралари маталга айланиб кетгани бежиз эмас.

Иккинчидан. М. Шайхзода “Тошкентнома” асари билан ўзбек адабиётида замонавий нома жанрини ривожланишига катта ҳисса қўшди. Достон шайхона ҳикматли сатрлар билан бошланади:

Шаҳарлар боқийдир, умр ўткинчи,

Дарёлар собитдир, сувлар – кўчкинчи.

“ Мен бу халқнинг шоириман “Ҳазрат Навоийнинг ўпиб қўлини, ўзбек водийсида отимни сурдим” деб ёзган шоир Тошкентнинг касби меҳмоннавозлик, таҳаллуси саломобод дея тафсиллайди.

Тошкентда уч фасл ёз,

Баҳор –шошган ички ёз,

Ёз –катта ва асл ёз,

Куз – кечиккан кечки ёз.

Гўё ёз зўрлик қилиб,

Ўнгу чапни талабди.

Қўшнилари сиқилиб,

Унга божлар тўлабди.

Ҳар божи бир неча ой,

Шу туфайли ёз кўп бой.

Табиатни жонлантирган образларда, халқона йўлда Тошкент ёзининг ажойиб тасвири. Шоирнинг “Тошкентномаси” азим шаҳарнинг портретини чизиб берган энг гўзал асарлардандир.

Учинчидан. Адибнинг “ Жалолиддин Мангуберди”, “Мирзо Улуғбек” трагедиялари ўзбек драматургиясигина эмас, жаҳон драматургиясини бир поғона юқори кўтарди. Шайхзоданинг драматик қаҳрамонлари ўзига хос характерлари билан ажралиб туради. Шайхзоданинг маҳорати шундаки у қаҳрамонларининг сўзи билан амали бирлигини асарларида кўрсата олган. Адабиётшунослар “Мирзо Улуғбек”ни Шекспир трагедияларига қиёслайдилар. М. Шайхзодада ҳам шекспирона руҳ бўлгани шубҳасиз. Шекспирнинг “Ҳамлет” асарини Шайхзода русчадан таржима қилган бўлсада , таржималар ичида аслият руҳига энг яқини Шайхзоданики эканлигини мутахассислар таъкидлайдилар.

Жалолиддиннинг:

“ Киши туғилмайди бошда тож билан,

Туғилар эркликка эҳтиёж билан” сўзларини эслайлик.

Ёки Султонбегимнинг:

“ Ватан, ватан, ажралмоқ тупроғингдан, оҳ!

Бу жазога сазовор қилдим не гуноҳ?”

...

“Оҳ, бечора ватаним бир афсона бўлибдур,

Мўйсафидлар девона, боғ вайрона бўлибдир.

Қаерларга қочибдур у ғазалхон булбуллар,

Йўлларимда кўрганим ўлик эрлар ва туллар.

Сув қуриган, чўл куйган, бўғилгандир мироблар,

Дилим торин уздилар бу сарсари, хароблар.

Йиғламайин ўтарми бундан ғариб бир йўлчи,

Бу девона ота ҳам шум хабарчи, бир, фолчи” каби

дил дардлари Ҳамлетнинг монологига руҳан яқин, оҳангдош эмасми?.

Пафосда Шекспирникидан нимаси кам. Шайхзода ҳаётини яхши билган мухлислар бу каби монологларнинг маъносини янада теран англайдилар. Шайхзода ўзига ишонган шоир эди. Ўзи айтганидек: “Қаламининг учи ўтмас бўлиб қолмаслигига, шеърларининг ўлмас илҳоми сўнгмаслиги”га иноарди.

Тўртинчидан. Шайхзода олим сифатида ўзбек адабиётшуносли, танқидчилиги ва публицистикасининг ривожига, айниқса, Алишер Навоий ижодини ўрганишга катта ҳисса қўшди. У ҳазрат Алишер Навоий ижодининг туб моҳиятини тушуниб етган ва Алишер Навоий ҳақида энг теран илмий тадқиқот иши ёзган ижодкорлардан бири бўлди. Навоийни- “Ғазал мулкининг султони” деб атагани кейинчалик илм аҳли ўртасида мезонга айледи. Халқнинг виждони бўлган Навоий “Хамса”сини “Одамзод зеҳнининг гўзал китоби” таърифи ниҳоятда топиб айтилган. Мақсуд Шайхзодадаги туғма зеҳният, фасоҳат Навоийга бўлган улкан меҳр шоир ижодини теран англашга омил бўлди. Шайхзоданинг мумтоз Шарқ адабиётини яхши билиши, тарихга бўлган ҳурмат Алишер Навоий ижодининг беқиёс тадқиқотчиси бўлишида калит бўлди. Уч юзга яқин илмий, публицистик мақолалар ёзган Шайхзоданинг Алишер Навоий ҳақидаги тадқиқот ва мақолалар мажмуаси бўлган “Ғазал мулкининг

султони” китоби навоийшуносликка қўшилган беқиёс ҳиссадир. Шайхзода Алишер Навоий ижодини мағзини қуйидаги сўзларида берган назаримда. “Унинг асосий мундарижаси (гуманизмини назарда тутаётир. А.А.) кишининг озодлиги учун қайғуриш, ҳур индивидуумни (шахсни) қуйлаш, одамни севишдан иборат эди” (Шайхзода. Олти томлик. Тўртинчи том. Тошкент-1972. 53 бет). Бобур, Муқимий, Фуркат, Ойбек, Ғафур Ғулом, Асқад Мухтор, жаҳон адабиётининг намояндалари – В. Шекспир, Бернард Шоу, Анри Барбюс, Муҳаммад Иқбол ҳақида, халқ оғзани ижоди юзасидан ёзган мақолалари ҳам илмий теранлиги билан ажралиб туради.

Бешинчидан. Шайхзода улуғ таржимон эди. У Шота Руставели, В. Шекспир, Ж. Байрон, А. Пушкин, И. Гёте, Г. Гейне асарларини ўзбек тилига ўгирди. Улуғлар “панжасига панжа урмоқ” машаққатини ижодкорлар яхши ҳис қиладилар. Нозим Ҳикмат, В. Маяковский, Н. Тихонов, А. Сурков каби замондошларидан қилган таржималари ҳам муваффақиятли чиққан. Шайхзоданинг таржима асарлари ўзбек таржимачилигини ривожланишига қўшилган муҳим ҳисса бўлиб, халқимизнинг маънавий мулкини бойитди.

Ҳаётида сарбастлик ва талабчанликни уйғунлаштира олган Мақсуд Шайхзода “Ғафурга хат” шеърида “Совумас шеъримизда ҳарорат –ҳовур” дея башорат қилгани, бугун ҳақиқатлигини кўриб турибмиз. Шайхзода “Шеърчин гўзаллаик синглиси экан...” шеърида шундай ёзганди:

Шеърсиз қалбларга ачинаман мен,

Уларда на тонглар кундузин бошлар,

На оқшом юлдузлар уфқин очар кенг,

На баҳор чоғида сайрайди кушлар.

...

Шеърият диёрин шоирларимиз,

Ҳар уй, ҳар кўнгилга байтлар бўлсин ёр!

Элга дастёр бўлса шеърларимиз –

Демакки, умримиз ўтмабди бекор!..

Ҳа, бу мисралар яшаётган экан, Мақсуд Шайхзодада барҳаётдир.